

“КАСБ ПСИХОЛОГИЯСИ”



Дарс /маъруза/нинг мақсад ва вазифалари:

<p>Мақсадлар:</p> <p>Таълимий: Касбий лаёқатни аниқловчи тестларнинг ишончлилиги ва валидлиги ўргатилади.</p> <p>Тарбиявий: Шахс психодиагностикаси ва касбий психодиагностикани баҳолаш жараёнида тарбиявий жараёни шакллантириш.</p> <p>Ривожлантирувчи: Касбий лаёқатни аниқлашда укувчанлик категориясидан (таълим олишга нисбатан заҳмлилик) фойдаланилади ва ўзлаштириш имконияти, касбий тайёргарлиги, эришган натижаси мезон ролини ўйнайди.</p>	<p>Вазифалар:</p> <p>Таълимий савол: Касбий лаёқатни аниқловчи тестларнинг ишончлилиги ва валидлиги деганда нимани тушунасиз?</p> <p>Тарбиявий савол: Талаба касбий шаклланишда қизиқишларнинг аҳамияти қандай?</p> <p>Ривожлантирувчи савол: Талаба шахсининг касбий шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар нималардан иборат бўлиши мумкин?</p>
--	---

Кутилаётган натижалар:

<p>Маъруза якунида тингловчи билади (Билим):</p> <p>Рақамли фаолият самарадорлигини ташхис қилиш ва баҳолаш учун тестларни баҳолаш, асослаш унинг муваффақияти ўлчови, мезонини аниқлаш имкониятига эга бўладилар.</p>	<p>Қайси саволлар берилади:</p> <ol style="list-style-type: none">1. Касбий лаёқатни аниқловчи тестларнинг ишончлилиги ва валидлиги деганда нимани тушунасиз?2. Шахс психодиагностикаси нима?3. Касбий психодиагностика нима?4. Рақамли фаолиятининг ижтимоий психологик тавсифи қандай бўлиши керак?
<p>Маъруза/ якунида тингловчи тушунади (Кўникма):</p> <p>Профессиограмма, (профессиограмма) натижаларини умумлаштириш жараёнида касбларни таснифлаш (классификациялаш) имкони вужудга келтирилади.</p>	<p>Қайси саволлар берилади:</p> <ol style="list-style-type: none">1. Касб ва уни ихтисосликларининг психологик тавсифи деганда нимани тушунасиз?2. Касбнинг ижтимоий психологик аҳамияти ва тавсифи; ёшларда унинг ижтимоий мавқеи нималар билан белгиланади?

Ишнинг номи	Бажариладиган иш мазмуни	Метод	Вақт (дақиқа)
1-босқич: Ташкилий қисм.	Танишув ва даволатни аниқлаш	Танишув	5
2-босқич: Рефлексия. Эҳтиёжларни аниқлаш	Мавзу бўйича савол-жавоб орқали талабаларнинг ушбу мавзуга тайёрлиги ва эҳтиёжлари аниқланади	Савол-жавоб	10
3-босқич: Янги мавзунинг баёни	1. Касбий лаёқатни аниқловчи тестларнинг ишончлилиги ва валидлиги 2. Шахс психодиагностикаси 3. Касбий психодиагностика 4. Раҳбар фаолиятининг ижтимоий психологик тавсифи	Слайдлар асосида маъруза. Ақлий хужум Ўзаро фикр алмашиш	35 3 7
4-босқич: Мустаҳкамлаш	Мутахассисларга қўйиладиган касбий ва шахсий талаблар Касб танлашга ижобий таъсир этувчи ижобий ва салбий омиллар ҳақида саволлар	Гуруҳларда ишлаш.	10
5-босқич: Баҳолаш. Дарс якуни	Гуруҳлар тақдироти таҳлили ва уларни баҳолаш Хулоса (савол-жавоб, фикр-мулоҳазалар ва таклифлар)	Гуруҳларни баҳолаш Савол-жавоб	10 5
6-босқич: Мустақил бажариш учун топшириқлар (уйга вазифа)	Мавзуга оид тестлар бўйича топшириқ бериш. Тегишли адабиётлар тавсия қилинади.	Оғзаки	5



Касбий психология фанининг предмети






касбий таълим тарбиянинг замонавий қонуниятлари, касблар турлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан ёшларни фаннинг методологик асосларини ўргатиш орқали шахс камолоти уйғунлигида касбий психологик қонуниятлардан келиб чиқади.



Режа:


- Касбий психологик билимларнинг инсон учун аҳамияти.
- Касб психологияси фан сифатида ўрганадиган ҳодисалар ва қонуниятлар
- 3. Касб-ҳунар эгаллашнинг ижтимоий – тарихий ва методологик муаммолари
- 4. Буюк аجدодларимиз касб-ҳунар тўғрисида

Қадимий анъаналаримизга биноан
ҳунарманд ва касб, меъмор ва наққош,
деҳқон ва чорвадор, тўқувчи ва нонвой
устоз-шогирд муносабатларини амалга
ошириб келмоқдалар. Доно ҳалқимиз
«Устозидан ўзмаган шогирд – шогирд
эмас», «Ҳунарли киши асло хор
бўлмас», «Устоз отангдек улуғ»,
«Таълим берган устозингдан айрилма»
сингари мақолларни ижод этганлар ва
фарзандларининг баркамол бўлиб
улғайишини орзу қилганлар.



Ўспирин ҳунар эгаллаши билан унда
нафақат ахлоқий ҳислар, балки
характернинг иродавий хислатлари
ҳам таркиб топа бошлайди.

Абу Али Ибн Сино




Боланинг феъл – атвори ва тасаввурларини шакллантиришда умуминсоний ғоялар қўлланишини яратган ҳамда мураббий, оналарга уни қаттиқ тан жазосидан кўра, шахсий ибрат орқали вояга етказиш маъқуллигини кўрсатган.

Абу Али Ибн Сино

XI асрнинг буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб

«Қутадғу билиг» асарида инсон ва унинг ҳаётига оид қарашларини таҳлил қилган. У одамнинг Оллоҳ томонидан яратилганлигини ҳамда одамнинг дунёга келиши ва унинг келажакда қандай одам бўлиб вояга етиши, аждоди ва келиб чиқишига, ҳаётда шуғулланаётган фаолиятига, атрофга нисбатан муносабатларига боғлиқлигини айтиб: «Кимнинг насли отадан бошлаб тоза бўлса, ундан элга яхшилик, кўп манфаатлар келади» деб ҳисоблайди.



XII-XVI асрларда яшаб ижод этган
мутафаккир алломалардан
Жалолиддин Румий, Абу Райхон
Беруний, Мир Алишер Навоий,
Хоразмий ва бошқаларнинг
асарларида, қўлланмаларида,
фалсафий-психологик
мулоҳазаларида турли касбларга оид
дурга тенг бўлган фикрлар талайгина

Зардушт таълимотича ҳар бир ота-она ўз қизини балоғат ёши (15) етгунича замонасининг барча ҳунарларини билиши, мол боқишу рўзғор тутишни мукаммал ўргатиши, эътиқотда босиқ, ахлоқда покиза қилиб тарбия этиш, қиз тушган хонадоннинг ободонлигини таъминлашга замин яратади, янги оила мустаҳкамлигини таъминлайди-дейилади.

Юқори синф ўқувчилари билан олиб бориладиган касбга оид консултациялар кетма-кетлиги

- Дастлабки касбга оид консултация;
- Касбга оид ахборот-маълумот консултацияси;
- Касбга оид бошланғич шакллантириш консултацияси;
- Касбга шахсни мослигини аниқлаш консултацияси;
- Касбга оид мувофиқлаштириш консултацияси;
- Касбга оид асосий шакллантириш консултацияси;
- Касбга оид назорат консултацияси;

Мутахассисларнинг фикрига кўра:

- Ўқувчиларда психофизиологик текшириш натижаларини аниқлаш;
- Ўқувчи томонидан тўғри ёки нотўғри танланганлигини аниқлаш;
- Ўқувчининг шахсий кўрсаткичлари (шахс хислатлари, темпераменти..),
- Танлаётган касбга яроқлилиги,
- Лаёқатига мос касб таълимига мувофиқлаштириш

Сангвиник

- Сангуис” “қон” деган маънони билдириб, кишининг ҳаракатчан ва қувноқлигини билдиради.
- Вазиятларга, эътиборини тортган нарсаларга тезда ўз муносабатини билдирадиган, ўзларига ишонувчан, ҳаракатлари енгил ва тез, мимикалари табиий, нутқи равон ва жарангдор, лекин тез зерикувчан, ўзгарувчан инсон.



Флегматик

- Флегматик маъноси “флегма” - “балғам” дир, кишининг тинч ва ҳаракатсизлигини билдиради.
- Ҳаёт йўли текис ва равон, шошилмасдан ҳаракат қиладиган, камгап инсон.

